

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-2/1  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

(№ 7 (58),), 8-11//Эхинококк пуфаги таркибидаги микрофлорани морфологик нисбати бўйича ўрганиш ва унинг антибиотикларга сезгирилигини аниқлаш/ Academy 1 (№ 7 (58),), 8-11

2.Юнусов Х.Б., Вахидова А.М., Худоярова Г.Н. (2021) Эпидемиология и иммунный статус при эхинококкозе легких, осложненного пециломикозом/ Медицинская ветеринария, № 1 (9), 15-23//Пециломикоз билан мураккаблашган ўпка эхинококкозида эпидемиология ва иммунитет ҳолати / Тиббиёт ветеринарияси, 1 (9), 15-23

3.Muratova Z.T. Vakhidova A.M., Askarova J.R., Sobirjonova M.J.(2021) Main causes, transmission routes, diagnostics and echinococcosis treatment// Features of the development of modern science in the pandemic's era 1 (3), 64-69

4.Khudayarova Gavkhar, Vakhidova Adolat (2020) Yosh bolalarda pnevmoniya infeksiyasining tamoyillari va davolash usullari // Журнал Биомедицины и практики, № 5 (5), 85-91

5.Vakhidova A.M.Oripova P.O.Jamalova F.A.Bobokandova M.( 2021) Clinical and laboratory characteristics of pneumococcal meningitis in adults// F. European Scholar Journal (ESJ) 2 (6), 173-182.

6.Vakhidova A.M, Khudoyarova G. N, Muratova Z. T, Mamatova O. B (2021) Adaptive changes of the blood system and features of physiological adaptation in athletes in conditions of different mountain heights during sports training//GALAXY International Interdisciplinary Monthly Journal 1 (9), 120-125

7.Vahidova A. M., Khuzhdanova M. A., Kuziev M. S. Intensification of Pecilomyces Spherules in Patients with Echinococcosis //Jundishapur Journal of Microbiology Research Article Published online 2022 April Vol. 15, No.1 (2022)

**УЎК 502.753:581.52(477.75)**

## **ЖАНУБИ-ГАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФЛОРАСИННИГ ЭКОТОПОЛИК ТАҲЛИЛИ**

**Х.Қ.Эсанов, докторант, Бухоро давлат университети, Бухоро**

**Н.Р.Рахмонов, магистр, Бухоро давлат университети, Бухоро**

**С.О.Олимова, ўқитувчи, Бухоро давлат педагогика институти, Бухоро**

**Аннотация.** Мақолада жануби-гарбий Қизилқум флорасининг турли экологик мұхитларда тарқалиши таҳлил қилинган. Улар галофит, гипсофит, петрофит ва потамофит гурухларга ажратилған. Экологик гурух вакилларининг географик тарқалиши ва полиморф оиласалар таркибидаги ўрни аниқланған. Турларнинг Amaranthaceae оиласи таркибіда ва Турон, Эрон, Ўрта Осиё ҳудудларида кенг тарқалиши тадқиқот ҳудудининг чўл флораларига мувофиқлигини асослайди.

**Калим сўзлар.** Жануби-гарбий Қизилқум, Турон, экологик гурух, галофит, гипсофит, петрофит, потамофит.

**Аннотация.** В статье анализируется распространение флоры юго-западного Кызылкума в различных экологических условиях. Они делятся на группы галофитов, гипсофитов, петрофитов и потамофитов. Определены географические распространение представителей экологические группы и их место в полиморфных семействах. Широкое распространение видов семейства Amaranthaceae, а также в районах Турана, Ирана и Средней Азии подтверждает совместимость изучаемой территории с флорой пустыни.

**Ключевые слова.** Юго-Западный Кызылкум, Турон, экологическая группа, галофит, гипсофит, петрофит, потамофит.

**Abstract.** The work presents analysis of the flora of the southwest Kyzyl-Kum in different ecologic conditions dividing into 4 groups (halophyte, gypsophyte, pterophyte and potamophyte). Broad range distribution of species in Turan, Iran, Central Asia and Amaranthaceae family reveal desert flora of the study area.

**Key words:** southwest Kyzyl-Kum, Turan, ecological groups, halophyte, gypsophyte, pterophyte, potamophyte.

**Кириш.** Ўзбекистон рельефининг мураккаблиги, гидрологик шароитнинг хилмачиллиги, арид типли континентал иқлим ва ўсимликларнинг таъсири ҳар хил тупроқ типларининг келиб чиқишининг асосий омили бўлган. Натижада текислик ҳудудларида чўлга хос ва тоғ минтақаларида ўзига хос тупроқлар шаклланган [3]. Республикализнинг текислик минтақаси Қизилқум чўлидан таркиб топган. Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай [2] Қизилқумни табиий-географик жиҳатдан Турон провинциясига киритади ва текислик ҳамда тоғолди-тоғ минтақаларига ажратади. Биз тадқиқот олиб бораётган ҳудуд ушбу минтақага мувофиқ

келади. Қизилқумнинг жануби-ғарбий худудлари рельефи турли хил бўлиб текисликлар, ботикликлар, платолар ва қолдиқ тоғлардан ташкил топган. Текисликлар кумлардан, шўр, гипсли ва тошли, шағалли тупроқлардан ташкил топган. Ушбу тупроқларда эволюция жараёнида ўзига хос ўсимликлар дунёси шаклланган. Натижада ўсимликлар хилма-хиллиги ортиб борган.

**Тадқиқот обьекти ва методлари.** Тадқиқот обьекти Жануби-ғарбий Қизилқумнинг юксак ўсимликлари хисобланади. Экспедиция давомида йиғилган ўсимликлар, илмий манбалар ва мавжуд гербари намуналари асосида флора рўйхати тузилди. Улар “Флора Узбекистана” [16, 17, 18], ва “Определитель растений Средней Азии” [12] манбалари асосида аникланди. Турларни экологик гуруҳларга ажратишда Н.И. Акжигитова [1], И.Ф. Момотов [11], Р.Д. Мельникова [10], З.А. Майлун [9], Ж.К. Саидов ва бошқ. [14], Х.Ф. Шомуродов [20] ва Қ.З.Зокиров [6] маълумотларидан фойдаланилди.

**Олингандар натижалар ва унинг муҳокамаси.** Жануби-ғарбий Қизилқум ўсимликларини тупроқ шароитига қараб экотоплар бўйича таҳлили амалга оширилди. Қизилқум флорасидаги ўсимлик турларини экотоплар бўйича тарқалиши Н.И. Акжигитова [1], И.Ф. Момотов [11], Р.Д. Мельникова [10], З.А. Майлун [9], Ж.К. Саидов ва бошқ. [14], Х.Ф. Шомуродов [19] ва Қ.З.Зокиров [6] томонидан тадқиқ қилинган. Жануби-ғарбий Қизилқум флорасининг ўсиш жойлари бўйича тарқалиши Қ.З.Закиров таснифи [6] ва юқорида келтирилган тадқиқотчилар ишларидан фойдаланилди. Ушбу ишда гипсофит, галофит, петрофит ва потамофит гуруҳлари таҳлил қилинди (1-жадвал). Экологик гуруҳларнинг етакчи оиласалар таркибида учраши бўйича таҳлил қилинганда галофит 143 тур билан етакчилик қилди. Унинг етакчилигига Amaranthaceae (71 тур) оиласи катта аҳамиятга эга бўлди. Гипсофит ва петрофитларда ҳам ушбу ҳолат қайд этилди. Аммо тўқай ўсимликларида Poaceae (17 тур) оиласининг юқори аҳамияти намоён бўлди.

#### 1-жадвал

Жануби-ғарбий Қизилқум флорасининг полиморф оиласалари таркибида экологик таҳлили

Оиласалар	Турлар сони	Галофит		Петрофит		Гипсофит		Потамофит	
		*1	2	1	2	1	2	1	2
Amaranthaceae	109	71	65,14	19	17,43	20	18,35	5	4,59
Asteraceae	104	23	22,12	15	14,42	12	11,54	7	6,73
Poaceae	74	12	16,21	9	12,16	11	14,86	17	22,97
Fabaceae	68	3	4,41	17	25,0	5	7,35	8	11,76
Brassicaceae	66	27	40,91	14	21,21	15	22,73	3	4,55
Boraginaceae	34	-	-	13	38,24	9	26,47	-	-
Polygonaceae	28	3	10,71	2	7,14	3	10,71	2	7,14
Apiaceae	26	-	-	9	34,62	2	7,69	-	-
Caryophyllaceae	21	4	19,05	8	38,1	3	14,29	-	-
Ranunculaceae	20	-	-	8	40,0	1	5,0	1	5,0
Етакчи оиласалар таркибида жами:	550	143		114		81		43	
Жами:	795	186		170		110		81	

\*Изоҳ: 1-турлар сони, 2-оила таркибидан % ҳисобида.

Тадқиқотлар натижасида шўр тупроқлар воҳалар ва унинг атрофларида, Денгизкўл, Қорақир, Замонбобо, Шўркўл, Зикри, Оёқоғитма атрофларида, худуднинг жанубий-шарқий томонларида (Когон, Қорақўл, Олот) учраши аникланди. Тадқиқот худудининг экин майдонларида ҳам турли даражада шўрланган тупроқларни учраши аникланди.

Н. И. Акжигитова [1] республикамизда 304 тур галофитлар учрашини келтирган. И.И.Гранитов [4] Жануби-Ғарбий Қизилқумда 150 тур ва Ҳ.Қ. Эсанов [21] Бухоро воҳасида 110 тур галофитлар учрашини қайд этган. Биз олиб борган тадқиқот худудида 186 тур (флорадан 23,40%) шўр тупроқларда учрайдиган ўсимликлар аникланди. Ушбу турларнинг аксариати Amaranthaceae оиласига мансуб. Улар етакчи оиласалар таркибида қўйидагича учради: Amaranthaceae - 71 тур, Brassicaceae - 27, Asteraceae - 12, Tamaricaceae - 12, Plumbaginaceae - 7. Бошқа етакчи оиласаларда кам сонда Caryophyllaceae - 4 тур, Polygonaceae - 3, Fabaceae - 3 ва Boraginaceae, Apiaceae, Ranunculaceae да галофитлар учрамади.

Ўрта Осиё чўллари галофил ўсимликларнинг ривожланиш марказларидан бири ҳисобланади. Унда Amaranthaceae оиласи галофил турларга бойлиги билан асосий ўринни эгаллади, қолган оилаларда оз вакиллар иштирок этади [8]. Буни ҳолат Жануби-ғарбий Қизилқумда ҳам ўз аксини топди. Шўр тупроқларда учрайдиган турларнинг тарқалиши бўйича Amaranthaceae 71 тур (65,14%) билан етакчилик қилди. Тадқиқот ҳудудининг жанубий томони Когон тумани ва Жайрон питомниги шўр тупроқларида *Halopeplis rugtaea*, *Salicornia europaea*, *Halostachys belangeriana*, *Halocnemum strobilaceum* кабиларнинг доминант жамоалари учрайди. Бухоро, Қороқулбозор ва Қоракўл воҳалари нам, юмшоқ ва қаттиқ шўр тупроқларида *Kalidium caspicum*, *Aeluropus litoralis*, *Climocaptera lanata*, *Climacoptera longistylosa* турлари тарқалган. Экин майдонлари рудерал, ташландик өрларда *Lepidium ruderale*, *Lepidium latifolium*, *Hornungia procumbens*, *Frankenia pulverulenta* учрайди. Шунингдек, кенг тарқалган туркумлардан Tamarix турларини келтириш мумкин.

И.И.Гранитов [4] Жануби-ғарбий Қизилқум флорасининг 16,7%, С.Е.Ережепов [5] Қорақалпоғистон флорасининг 12,18%, Г.Серекеева [15] Букантоғ флорасининг 11,7% галофитлар ташкил этганлигини қайд қилган. Бизнинг тадқиқотларимизда 23,40% ни ташкил қилди. Бундан кўринадики айни пайтда Жануби-ғарбий Қизилқум ҳудудида шўр тупроқларнинг майдонлари кенгайганлиги галофитларнинг ортишига асос бўлган.

Мазкур ўсимликларнинг географик тарқалиши Турон типида – 33 тур, Эрон-Ўрта Осиё – 17, Ўрта Осиё – 17, Қадимий Ўртаер – 16, Эрон-Турон – 15, Қизилқум - 7 тур қатнашди. Тадқиқот ҳудудидаги Туронга хос эдификатор галофитларга *Caroxylon orientale*, *C. gemmascens*, *Xylosalsola arbuscula*, *Suaeda microphylla*, *S. arcuata*, *Climocaptera lanata*, *C. longistylosa*, *Aeluropus repens*, *A. littoralis*, *Haloxylon ammodendron* ва бошқа турлар киради. Галофил флоранинг генезиси Ўрта Осиё билан боғлиқ ва шу ердан бошқа ҳудудларга миграция содир бўлган. Буни Amaranthaceae оиласининг *Salsola*, *Suaeda*, *Atriplex*, *Halimocnemis* туркумлари билан изоҳлаш мумкин.

Жануби-ғарбий Қизилқумнинг шимол ва ғарбида Қулжуқтоғ қолдиқ тоғлари жойлашган. У ерда Ўрта Осиёнинг тоғ флораси элементлари айниқса, камёб ва ноёб турлари кўп учрайди. И.И. Гранитов [4] ушбу ҳудудда 51 тур петрофитларни келтиради. Бизнинг тадқиқот натижаларимиз ҳудудда 170 тур (21,38%) петрофит ўсимликлар учрашини кўрсатди. Ушбу турларни флоранинг етакчи оилалари таркибида таҳлил қилинганда куйидаги натижалар олинди. Amaranthaceae (19 тур), Fabaceae (17), Asteraceae (15), Brassicaceae (14), Boraginaceae (13), Poaceae (9), Apiaceae (9), Caryophyllaceae (8), Ranunculaceae (8) ва Polygonaceae (2) таркибида 114 тур (гипсофитларнинг 67,06%) жамланган.

Жануби-ғарбий Қизилқумнинг қолдиқ тоғларида учрайдиган петрофит флора бой таркибга эга эканлигини намоён қилди. Тадқиқот ҳудуди флорасининг 1/5 қисмини ташкил қиласи. Ушбу ҳудудда Турон провинцияси оилаларининг таъсирни сезилиб турибди. Буни Amaranthaceae оиласи вакилларининг *Krascheninnikovia ceratoides*, *K. ewersmanniana*, *Nanophyton erinaceum*, *Oreosalsola arbusculiformis*, *Anabasis eriopoda*, *Caroxylon turkestanicum*, *Halimocnemis smirnovii* таркиби билан асослаш мумкин. Мазкур оиланинг қолдиқ тоғларда етакчилик қилишини П.К. Закиров [7] ва Ҳ.Ф. Шомуровод [20] асарларида таъкидлаб ўтган.

Fabaceae оиласи 17 тур билан иштирок этиб, шундан 16 тур (оиладан 25%) *Astragalus* вакиллари ҳисобланади. Ўрганилаётган ҳудуд флораси таркибида 33 тур (4,15%) астрагал бўлса шундан ярми қолдиқ тоғларда учрайди. Бу миқдор тоғ флораси учун етарли кўрсатгич эмас, балки чўл флорасига мувофиқ келади. Г.А. Серекеева [15] Букантоғ флораси учун 15 тур (4,28%) келтиради. Қулжуқтоғ этакларида Asteraceae оиласига мансуб шувоқ турлари *Artemisia turanica* ва *A. diffusa* доминантлик қиласи.

Қулжуқтоғнинг флораси чўл флорасига мувофиқ келиши билан бирга тоғ элементларини ҳам учратиш мумкин. Қулжуқтоғнинг Бошгужумди ҳудудидада Ўрта Осиёнинг тоғ флораси элементларини *Eranthis longistipitata*, *Nigella integrifolia*, *Ranunculus linearilobus*, *Ranunculus sewerzowii*, *Thalictrum isopyroides*, *Microparacaryum intermedium*, *Myosotis micrantha* учради. Ушбу турлар ҳудуд флорасини Хорасон, Эрон, Тоғли Ўрта Осиё ҳудудлари флораси билан алоқалар мавжудлигини белгилайди.

Петрофит турлар Эрон-Ўрта Осиё (27 тур), Турон (22), Ўрта Осиё (19), Эрон-Турон (11), Қадимий Ўртаер (12), Шарқий Қадимий Ўртаер (9), Қизилқум қолдик тоғлари (8) ҳудудларида кенг тарқалганлиги аниқланди. Кўриниб турибдики Қулжуктоғда тарқалган петрофит турлар чўл ва тоғ элементлари уйғунлиги негизида шаклланган. Шу билан бирга Қулжуктоғ ҳудудидан четга чиқмайдиган *Astragalus adylovi*i F.O. Khass., Ergashev & Kadyrov, *Astragalus centralis* E.Sheld., *Astragalus kuldzhuktauense* F.O. Khass., Shomuradov & Esankulov каби тор эндемлари мавжуд. Шунингдек петрофит турлар Кавказ, Сибир, Қашқар, Европа, Палеарктика, Плюрегионал ҳудуларда ҳам тарқалган.

Жанубий-ғарбий Қизилқум ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобига киритилган камёб, эндем 24 тур учрайди. Шундан 13 тур Қулжуктоғ қолдик тоғларида тарқалган. Ушбу ҳолат Қулжуктоғнинг камёб турларга бойлиги билан Жанубий-ғарбий Қизилқумдаги ўрни юқори эканлигини кўрсатади.

Е.П. Коровин [8] гиспли чўллар флорасида 400 дан ортиқ турлар борлигини қайд этади ва унинг ўзига хослиги ҳамда хилма-хиллигини таъкидлайди. Гипсофитларни характерли *Zygophyllum*, *Limonium*, *Cleome*, *Haplophyllum*, *Ferula* ва бошқа туркумларни келтиради. И.И. Гранитов [4] қайд қилишича Жанубий-ғарбий Қизилқум флораси таркибида 24 тур (ёки 2,7%) гипсофитлар учрайди. Шундай йирик ҳудудда гипсофит турларнинг кам сонли иштироки уларнинг ҳали етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади [11].

Жанубий-ғарбий Қизилқумда гипсли майдонларнинг катта қисми Қулжуктоғнинг жанубий этакларида [20] ва Когон туманинг жануби-шарқий томони, Жайрон питомнигининг Қайнооч тепаликлари ва унга ёндош ҳудудларда, Қуйимозор атрофларида учрайди.

Тадқиқот ҳудудида гипсофитлар 110 турдан (13,84%) ташкил топган. Гипсли ҳудудларда шувоқли, гулсафсанли ва печакли ўсимликлар жамоаларини кўриш мумкин. Гипсофитлар флоранинг этакчи оиласи *Amaranthaceae* (20 тур), *Brassicaceae* (15), *Asteraceae* (12), *Poaceae* (11), *Boraginaceae* (9), *Fabaceae* (5), *Polygonaceae* (3), *Caryophyllaceae* (3), *Apiaceae* (2) ва *Ranunculaceae* (1) таркибида 81 тур (гипсофитларнинг 73,63%) жамланган.

Г.А.Серекеева [15] Буқантог флораси учун 104 тур гисофитларни келтирган. Унда полиморф оила сифатида келтирилган *Amaranthaceae* оиласи 7 тур билан 4 ўринни эгаллаган. Х.Ф. Шомуродов [20] Қизилқумнинг гипсли чўлларида 296 тур ем ҳашак ўсимликлари учрашини ва *Chenopodiaceae* оиласи вакиллари 78 тур билан доминантлик қилганлигини қайд этган. Биз ўрганаётган флорада ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. Чунки гипсофит флорада ушбу оила вакиллари доминант ҳисобланади.

И.Ф. Момотов [11] фикрича гипсли чўл флораларининг ўзига хос хусусияти унда *Amaranthaceae* оиласи вакиллари доминантлик қилиб, турлар таркиби бўйича биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳолат биз ўрганаётган флора таркибига мос келади. *Amaranthaceae* оиласининг *Halothamnus*, *Anabasis*, *Nanophyton*, *Girgensohnia* туркумларининг келиб чиқиши гипсли чўллар билан боғлиқ [8] ва ушбу туркум вакиллари ўрганилаётган флора таркибида мавжуд. Бундан ташқари гипсли тупроқларда *Asteraceae* оиласига мансуб шувоқнинг (*Artemisia turanica*, *Artemisia diffusa*) бир неча турлари доминантлик қилади. Қулжуктоғ этагидаги Чурук маҳалласи атрофларида *Acanthophyllum cyrtostegium*, *Onobrychis tavernierifolia* каби эндем турлар қайд этилди.

Гипсофит турлар Турон – 30 тур, Эрон-Ўрта Осиё – 17, Ўрта Осиё – 14, Эрон-Турон – 12, Шарқий Қадимий Ўртаер – 12, Қадимий Ўртаер – 5 тур ареал типларида кўп сонли турлар билан иштирок этди. Шунингдек, гипсофитлар Европа, Сибир, Қашқар ва Кавказ ҳудудлари билан алоқалар мавжудлигини намоён қилди. Жайрон питомнигининг гипсли тупроқларидан топилган *Scrophularia leucoclada* нинг яқин қариндош тури Фаластинда учрайди. Бу турларнинг қариндошлиги Ўрта Осиё ва Олд Осиёнинг гипсофит флоралари орасида алоқалар мавжудлигини кўрсатади [13]. Гипсофитлар асосан Турон, Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларида кенг тарқалганлиги уларнинг маҳаллий флора вакиллари эканлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, гипсли мухитларда *Amaranthaceae* оиласи вакилларининг кенг тарқалганлигини қайд

етиши мүмкін. Ушбу далилларнинг барчаси гипсли мұхитлар флораси маҳаллий турлардан ташкил топғанлыгыни күрсатади.

Тадқиқот худудида Амударё, Зарафшон дарёси ва Аму-Бухоро канали атрофларида тұқайлар шаклланған. Ушбу тұқайларда жами 81 тур (10,19%) юксак үсимликлар учрайди. Жануби-ғарбий Қизилқұмда Амударё тұқайлари Ромитан тұманининг Гугуртли ва Қизилравот ахоли пунктларида, Қизилқұм давлат құриқхонасида жуда яхши сақланған. У ерда тұқайнинг сув билан таъминланғанлик даражаси жуда юқори. Аммо ҳозирги кунда Заравшон дарёси қуи қисми ҳақида юқоридаги фикрни билдириш анча қийин. Чунки Заравшон дарёсининг қуи қисмiga сувнинг етиб келмаслиги сабабли унинг атрофидаги тұқайлар майдони қисқарып бормоқда.

Мазкур тұқайларда эдификатор сифатида дараҳтлардан *Populus euphratica*, *P. pruinosa*, *Salix wilhelmsiana*, *Elaeagnus angustifolia*, буталардан *Tamarix hispida*, *T. ramosissima*, *Clematis orientalis*, *Halimodendron halodendron*, *Lycium ruthenicum Halostachys belangeriana*, ҳамда үт үсимликлардан *Polygonum aviculare*, *Lepidium latifolium*, *Alhagi pseudalhagi*, *Glycyrrhiza glabra*, *Karelinia caspia*, *Trachomitum lancifolium* ва бошқ. учрайди. Шунингдек, чим ҳосил қилувчи *Calamagrostis pseudophragmites*, *Erianthus ravennae*, шұрхок тупроқларида *Aeluropus littoralis*, *A. repens* ни күриш мүмкін. Тұқай үсимликлари Poaceae – 17 тур, Fabaceae – 8, Asteraceae – 7, Amaranthaceae – 5, Brassicaceae -3, Polygonaceae - 2, Ranunculaceae -1 тур билан иштирек этди. Шунингдек, тұқайнинг эдификаторлари сифатида келтирилған оиласар Tamaricaceae – 7 тур ва Salicaceae – 6 тури учради. Толдошлардан тұқайда *Salix songarica*, *Populus euphratica* ва *P. Pruinosa* кенг тарқалған. Ушбу дараҳтлар нобуд бўлғандан сўнг ўрнини *Tamarix* нинг янги популяциялари эгаллаши тадқиқотлар давомида аниқланди.

Уларнинг тарқалиш ареаллари Палеарктика – 12 тур, Плюрегионал – 6, Қадимий Ўртаер – 9, Шарқий Қадимий Ўртаер – 8, Эрон – Турон – 6, Голарктика – 5 тур билан иштирек этди. Шунингдек, тұқайнинг эдификаторлари сифатида келтирилған оиласар Tamaricaceae – 7 тур ва Salicaceae – 6 тури учради. Толдошлардан тұқайда *Salix songarica*, *Populus euphratica* ва *P. Pruinosa* кенг тарқалған. Ушбу дараҳтлар нобуд бўлғандан сўнг ўрнини *Tamarix* нинг янги популяциялари эгаллаши тадқиқотлар давомида аниқланди.

Шунингдек, Жануби-ғарбий Қизилқұмда бир неча кўллар, каналлар, зовур ва ариқлар мавжуд бўлиб, унда 14 тур ёки 1,76% юксак сув үсимликлари учрайди. Бу турлар Плюрегионал, Шарқий Қадимий Ўртаер, Палеарктика ва Европа-Кавказ-Ўрта Осиё ареал типлари таркибида учрайди. Мазкур турларга *Veronica anagallis-aquatica*, *V. anagalloides*, *Butomus umbellatus*, *Ceratophyllum demersum*, *Ranunculus trichophyllum*, *Ranunculus rionii*, *Persicaria hydropiper*, *Myriophyllum spicatum*, *M. verticillatum*, *Apium nodiflorum*, *Potamogeton crispus*, *P. perfoliatus*, *Lemna minor* киради.

**Хулоса.** Демак, Жануби-ғарбий Қизилқұмда турли экологик мұхитларнинг шаклланғанлығы үсимликларнинг хилма-хиллигининг орттишига имкон берган. Мазкур экологик мұхитларда учрайдиган үсимликлар ўрганилаётган худуд флорасининг чўл минтақасига мувофиқ келишини күрсатди. Бунда етакчи оиласар таркиби айниқса, чўл флораси элементларини ўзида мужассамлаштирган Amaranthaceae оиласи мұхим ахамиятга эга бўлди. Турларнинг географик тарқалиши Турон, Эрон-Турон ва Ўрта Осиё ареал типларида намоён бўлиши яна бир асос сифатида келтирилди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Акжигитова Н.И. Галофильная растительность *Halophyta*. Растительный покров Узбекистана. В 4-х т. – Ташкент: Фан, 1973. Т.2. – С. 211-302.
2. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физическая география Средней Азии. – Ташкент: 1978. – С.19-52.
3. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 264 б.
4. Гранитов И.И. Растительный покров Юго-Западных Кызылкумов. В 2-х т. – Ташкент: Наука, 1964. Т. 1. – 335 с.
5. Ережев С.Е. Флора Каракалпакии, ее хозяйственная характеристика, использование и охрана. – Ташкент: Фан, 1978. – 240 с.
6. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зерафшан. В 2-х т. – Ташкент: АН УзССР, 1955-1961. – 654 с.
7. Закиров П.К. Ботаническая география низкогорий Кызылкума и хребта Нурагау. – Ташкент, 1971. – С. 33-92.
8. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. В 2-х т. – Ташкент: АН УзССР, 1961. Т. 1. – 452 с

9. Майлун З.А. Тугайная растительность *Potamophyta*. Растительный покров Узбекистана. В 4-х т. – Ташкент: Фан, 1973. Т.2. – С. 303-375.
10. Мельникова Р.Д. Псаммофильная растительность *Psammophyta*. Растительный покров Узбекистана. В 4-х т. – Ташкент: Фан, 1973. Т.2. С. 4-171.
11. Момотов И.Ф. Гипсофильная растительность *Gypsophyta*. Растительный покров Узбекистана. В 4-х т. – Ташкент: Фан, 1973. Т.2. – С. 81-191.
12. Определитель растений Средней Азии. В 11 т. Ташкент: Фан, 1941-2015.
13. Попов М.Г. Избранные сочинение. – Ашхабад: АН Турменской ССР, 1958. – С. 181-120.
14. Саидов Ж.К., Маркова Л.Е., Момотов И.Ф. Фарбий Қизилқумнинг жанубий қисмига ботаник саёҳат. – Тошкент: Фан, 1975. – 32 с.
15. Серекеева Г.А. Флора Букантау: Дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 2012 – С. 54-56.
16. Флора Узбекистана. В 6 т. – Ташкент: изд. АН УзССР, 1941-1963.
17. Флора Узбекистана. – Ташкент: Навruz, 2016-2017. Т. 1. 2.
18. Флора Узбекистана. – Ташкент: Манавият, 2019. Т. 3. 201 с.
19. Шомуродов Ҳ.Ф. Кормовые растения Кызылкума и перспективы их использования. Дисс. ... докт. биол. наук. – Ташкент: 2018. – 196 с.
20. Шомуродов Ҳ.Ф., Рахимова Т., Эсанов Х.К., Хайитов Р., Рахимова Н.К., Адилов Б.А., Шарипова В.К., Абдураимов О.С. Кадастр сосудистых растений Бухарской области // Проблемы и перспективы изучения биоразнообразия растительного мира в Центральной Азии» материалы международная научно-практическая конференция. – Ташкент, 2020. – С. 290-298.
21. Эсанов Ҳ.К. Бухоро воҳаси флораси таҳлили. Дис. ...биол. фан. фалс. док. (PhD).– Тошкент, 2017. – 21-37 б.

**МУНДАРИЖА**  
**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<b>Buronov A.Q., Shukurova M.I.</b> O'zbekistondagi qadimiy mahalliy yumshoq bug'doyning qimmatli xo'jalik belgilarini o'rghanish	5
<b>Eshmuratov R.A., Annamuratova D.R., Turaeva M.K., Egamberdieva S.A.</b> Xorazm tuproq-iqlim sharoitida staxis byzantina o'simligini ko'paytirish usullari va hosildorligi	8
<b>Madaminov R., Baxodirov Z., Abdirimov X.</b> Suv ta'minoti turli bo'lgan maydonlarda kuzgi bug'doy o'simligining spektral xususiyatlari	11
<b>Negmatova S.T., Xasanov Sh.B., Nurullayeva M.Sh., Atayeva S.S.</b> Indigoferada dukkaklar shakllanishi va don hosiliga biostimulyatorlarning ta'siri	16
<b>Omonova N.M., Madaminova X.A.</b> Pomidordagi fuzarioz kasalligiga qarshi biologik kurash	20
<b>Rayimov A.R., Zohirova N.Z.</b> Species composition and number of insects found in vegetable, cucurbit fields of the Bukhara region	24
<b>Sultonova K.R.</b> In vitro sharoitda lagochilus Inebrians Bunge o'simligini mikroklonal ko'paytirish	28
<b>Umarov F.A., Nazarov M.Sh., Toshpo'latov I.M.</b> Norin daryosida uchrovchi Amudaryo foreli ( <i>Salmo oxianus</i> )ning morfometrik ko'rsatkichlari	30
<b>Акрамова Ф.Д., Уббиниязова Ж.К., Торемуратов М.Ш., Акбаров А.А., Шакарбаев У.А., Сайдова Ш.О., Эсонбоев Ж.Р., Сапаров К.А., Азимов Д.А.</b> Гельминтоценозы полорогих (Bovidae gray, 1821) северо-западного Узбекистана	33
<b>Бахиев К.А.</b> Экологические принципы исследования состояния систем водоснабжения в Республике Каракалпакстан	38
<b>Избосарова З.Э., Халиллаев Ш.А., Медетов М.Ж.</b> Жиззах вилояти тўғриқанотли хашаротлари (Insecta: Orthoptera) тур таркиби ва уларнинг биоэкологияси	42
<b>Маманазаров Ш.И., Мухаммадов Й.А., Хўжамбердиева Ш.М., Мирзоёқубов К.Э., Ачилов С.Г., Дармонов М.</b> Ўрта толали Порлок-4 гўза навининг дала унувчанлиги ва пахта ҳосилдорлиги	46
<b>Равшанова А.Р., Акрамова Ф.Д., Шакарбаев У.А., Сапаров К.А., Азимов Д.А.</b> Фауна и экология гельминтов гусеобразных птиц Айдар-Арнасайской системы озер	48
<b>Сафаров А.А., Абдинабиев О.Б., Юсупов М.М.</b> Ўзбекистонда дирофилиоз касаллигининг тарқалиши бўйича эпидемиологик тафсилот	52
<b>Таумуратова Г.Н.</b> Состояние биоресурсов в условиях Южного Приаралья и вопросы развития экотуризма	56
<b>Тўхтаева Ф.Ш., Юлдашев Н.М., Махмудов Р.Р., Мустафакулов М.А., Раҳмонова Г.Г., Баратов К.Р.</b> Ўзбекистон Республикаси худудида ўсуви Plantago оиласига мансуб ўсимликлардан ажратиб олинган флавоноидлар суммасини тажрибавий қандли диабетда биокимёвий кўрсаткичлар коррекциясида самарадорлигини баҳолаш	62
<b>Урмонова Д., Шералиев Б.</b> Сўх дарёси сув ҳавзаси ихтиофаунасининг таксономик ревизияси	70
<b>Утегенов И.Б.</b> Особенности роста некоторых интродуцированных видов рода ильм или вяза ( <i>Ulmus l.</i> ) на засоленных почвах Каракалпакстана	73
<b>Хасанов Н.С., Кодиров Б.Э., Хужанов А.Н., Исмоилов З.Ф., Тащуплатов Й.Ш.</b> Самарқанд ўлмасўти ( <i>Helichrysum maracandicum</i> Popov ex Kirp.) нинг <i>in vitro</i> шароитида уруғларини унувчанлиги ва майсаларини яшовчанлиги	76
<b>Холлиев А.Э., Кенжаев А.</b> Ўсимликларнинг абиотик омилларга чидамлигини баҳоловчи биологик ва экологик белгилар	80
<b>Худжанова М.А.</b> Турли экспериментал гельминтозли қоракўл қўйларида кон ивиш босқичлари динамикаси	84
<b>Эсанов Х.Қ., Раҳмонов Н.Р., Олимова С.О.</b> Жануби-гарбий Қизилқум флорасининг экотополик таҳлили	89

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ**

<b>Barotova A.R., Yakubjonova N.A.</b> Murakkab duragaylash orqali yaratilgan oilalarda tola chiqimi va tola uzunligining shakllanishi	95
<b>Idrisov X.A.</b> Takroriy ekin sifatida ekilgan mosh ( <i>Phaseolus aureus</i> Piper) navlari barg rivojlanishini o'rghanish	97
<b>Jaynaqov M.Sh., Kurbanbayev I.D., Nematova M.G'., Abdurasulov N., Abdurasulov O., Akramov I.</b> Ayrim sholi navlarining miqdoriy ko'rsatkichlari	100
<b>Yulchiev E.Yu., Yunusova L.K., Tuychiyeva D.S., Usmanov U.</b> Mineral o'g'itlar asosida tayyorlangan suspenziyalarni 2-3 chin bargli va shonalash davrida paxta hosiliga ta'siri	102